



Савол:

Уйланиш тўғрисида. Бир йигит уйланиш ёшида уни отаси бир қизга уйлантирмоқчи, лекин бола унга уйланишни хоҳламайди. Ота уни мажбурлайди (шу қизга уйланасан, мен ваъда бериб қўйганман, одамларнинг олдида нима деган одам бўламан) хуллас шу каби гаплар. Йигит отасини айтганини қилмаса нима бўлади?

Жавоб:

Агар отаси диндор, ақлирасо одам бўлса, қиз ҳам диндор яхши оиладан бўлиб, ўзи ҳам ислом аҳкомларига амалли бўлса, у йигит отасига итоат қилиши керак, чунки ёшлик қилиб, арзимаган сабабларни рўкач қилиб, у қизга уйланишдан бош тортаётган бўлиши мумкин. Отаси ҳаёт тажрибасига эга, албатта ўғлини ёмон бўлишини хоҳламайди. Бироқ, у қиз кўча қизларидан бўлса ва оиласи ҳам динсиз бўлса ўғил отасига буни яхшилик билан баён қилиши керак. Уламолар оталарни ўз қизларини мажбурлаб куёвга беришдан қайтарадилар бу йигитларга нисбатан алороқдир. Валлоҳу аълам